# I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-сентябрда ишлаб чиқарилган ялпи худудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 8766,0 млрд. сўмни ташкил этди ва 2016 йилнинг январь-сентябрига нисбатан ўсиш суръати 100,7 фоизга тенг бўлди.

2016 йил январь-сентябрь ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 117,4 фоизни ташкил қилди.

**Январь-сентябрь ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби**

| | *млрд.сўм* | | *2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида* |
|---|---|---|---|
| | *2016 йил* | *2017 йил* | |
| **I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами** | **7410,9** | **8766,6** | **100,7** |
| *шу жумладан:* | | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 7120,4 | 8452,8 | 101,2 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 290,6 | 313,3 | 90,3 |
| **II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати** | **7120,4** | **8452,8** | **101,2** |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 962,8 | 1226,1 | 105,6 |
| Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) | 4247,5 | 4975,9 | 98,5 |
| саноат | 3868,0 | 4555,0 | 98,0 |
| қурилиш | 379,5 | 420,9 | 103,4 |
| Хизматлар | 1910,0 | 2250,8 | 104,9 |
| савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 411,1 | 481,7 | 101,7 |
| ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари | 607,6 | 706,7 | 104,9 |
| бошқа хизматлари | 891,3 | 1062,4 | 106,4 |

**Январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби**
*(фоизда)*

**2016 йил**




**2017 йил**




Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири бошқа соҳа хизматлари (106,4%), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги хизматлари (105,6%), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари (104,9%) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасигатўғри келмоқда.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 41,5 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2016 йил январь-сентябрга нисбатан 0,5 фоизли бандга камайди.

2017 йил январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 26,6 фоиз (2016 йил январь-сентябрда 26,9 фоиз)ни ташкил қилди.